

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.28.03.2019.Ped.82.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ТУРГУНОВА АЗИЗА ТАШПУЛАТОВНА

**ИЖТИМОЙ ТАҲДИДЛАРГА МОЙИЛ ОИЛАЛАРДА МАЪНАВИЙ-
АХЛОҚИЙ МУҲИТНИ БАРҚАРОРЛАШТИРИШНИНГ
ГЕРОНТОПЕДАГОГИК АСОСЛАРИ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Чирчиқ– 2019

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
pedagogical sciences**

Тургунова Азиза Ташпулатовна

Ижтимоий таҳдидларга мойил оилаларда маънавий-ахлоқий муҳитни
барқарорлаштиришнинг геронтопедагогик асослари..... 3

Тургунова Азиза Ташпулатовна

Геронтопедагогические основы стабилизации духовно-нравственной
среды в семьях склонных к социальным угрозам..... 21

Turgunova Aziza Tashpulatovna

Gerontopedagogical foundations of stabilization of the spiritual and moral
environment in families prone to social threats..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 43

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.28.03.2019.Ped.82.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ТУРГУНОВА АЗИЗА ТАШПУЛАТОВНА

**ИЖТИМОЙ ТАҲДИДЛАРГА МОЙИЛ ОИЛАЛАРДА МАЪНАВИЙ-
АХЛОҚИЙ МУҲИТНИ БАРҚАРОРЛАШТИРИШНИНГ
ГЕРОНТОПЕДАГОГИК АСОСЛАРИ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Чирчиқ– 2019

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.01.PhD/Ped413 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.chdpi.uz.ilmiy-kengash) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим портали www.ziyounet.uz манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Қаҳҳарова Матлюба Манафовна
фалсафа фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Тожиева Зулҳумор Назаровна
педагогика фанлари доктори, профессор

Эгамбердиева Нодира Мелибаевна
педагогика фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Бухоро давлат университети

Диссертация ҳимояси Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти ҳузуридаги PhD.28.03.2019.Ped.82.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «__» _____ соат __ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111720, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Амир Темур кўчаси, 104-уй.) Тел.: (99870) 712-27-55; факс: (99870) 712-45-41; e-mail: chdpi-kengash@umail.uz.

Диссертация билан Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 111720, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Амир Темур кўчаси, 104-уй. Тел.: (99870) 712-27-55; факс: (99870) 712-45-41

Диссертация автореферати 2019 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2019 йил «__» _____ даги ____ - рақамли реестр баённомаси).

Ш.Қ.Мардонов

илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш раиси, п.ф.д., проф.

Ф.Т.Ражабов

илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш котиби, география фанлари
бўйича фалсафа доктори (PhD)

Р.А.Эшчанов

илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш қошидаги Илмий семинар
раиси, б.ф.д., доц.

КИРИШ (фалсафа доктори(PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тадқиқотларига кўра, камида 100 ёшга кирувчиларнинг сони 2050 йилга бориб 2,2 миллион кишига етиши мумкинлиги сабабли ривожланган мамлакатларда геронтопедагогика мактабларини ташкил қилишга бўлган эҳтиёж янада кучаймоқда. Аҳоли таркибида кексалар сонининг ўсиб бориши, бир томондан, ижтимоий ҳимоя тизимини янада такомиллаштиришни талаб этса, иккинчи томондан, аҳолининг мазкур тоифаси ижтимоий фаол қатлами тажрибасидан самарали фойдаланиш технологияларини ҳаётга татбиқ этиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб боришни тақозо этади.

Дунёда давлат ва нодавлат ташкилотлари бўғинларида геронтопедагогика (кексалар педагогикаси), катта авлоднинг турмуш тарзи ва ўзига хос хусусиятлари, уларнинг ижтимоий бегоналашув (геронтопсихологик), ижтимоий ҳимоя сиёсати (геронтологик), кекса авлод вакилларининг соғлиғини сақлаш, ижтимоий фаоллаштириш (гериатрик) катталар таълими масаласи андрогогик йўналишдаги тадқиқотлар алоҳида аҳамиятга молик. Шу жиҳатдан кекса авлод муаммолари, уларнинг саломатлиги, умрини узайтириш, ижтимоийлаштириш заруриятини изоҳлайди.

Республикамизда кекса авлод вакилларининг жамият, оила шунингдек, маҳаллаларда тинчлик ва осойишталикни таъминлаш, ёш авлодни тарбиялашдаги ролини ошириш ҳамда мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этиши учун зарур шарт-шароитлар яратилган. Ижтимоий таҳдидларга мойил оилаларда соғлом маънавий-ахлоқий муҳитни барқарорлаштиришда катта авлод тажрибасидан самарали фойдаланиш оилаларда таҳдидларга мойилликнинг йилдан-йилга камайиб боришига сабаб бўлмоқда. Бунда “кам таъминланган оилалар сони ва аҳолининг даромадлари бўйича фарқланиш даражасини камайтириш, ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, таълим муассасалари, ёшлар ва бошқа ташкилотларнинг самарали фаолиятини ташкил этиш тизимини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш”¹ каби муҳим вазифалар белгиланган. Ушбу вазифаларни ҳал этиш, кекса авлодни ижтимоий ҳимоя қилиш билан бирга уларни ижтимоий фаоллаштириш, тажриба ва тарбия ресурсларидан самарали фойдаланиш имкониятини яратади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 28 декабрдаги “Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш “Нуроний” жамғармаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4906-сон, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2018 йил 2 февралдаги “Хотин-қизларни қўллаб-

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

қувватлаш ва Оила институтини мустақамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5325-сон Фармонлари ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Оиланинг ижтимоий-фалсафий, иқтисодий, психологик ва педагогик муаммолари республикамиз олимларидан М.Абдужабборова, Қ.Абдурасулова, М.Бўриева, М.Восиқова, М.Иномова, Н.Исмоилова, И.Усмонов, В.Каримова, У.Махкамов, А.Мунавваров, О.Мусурмонова, М.Мухаммад, Қ.Назаров, О.Отамирзаев, Ф.Отахўжаев, А.Саидов, И.Саифназаров, О.Сафаров, А.Ўлмасов, М.Қурононов, М.Холматова, Х.Шайхова, Э.Шарипов, Ғ.Шоумаров, Э.Юсупов, Э.Ғозиевларнинг тадқиқотларида ёритиб берилган.

Кексаларни ижтимоий ҳимоялаш тизими, кексаларни қадрлаш, маънавий мерос ва инсон ҳаёти маъноси масалаларининг ижтимоий-фалсафий жиҳатдан таҳлили М.Бекмуродов, М.Ганиева, Н.Жўраев, С.Калонова, Ш.Содиқова, О.Файзуллаев, М.Қаҳҳорова ва бошқаларнинг илмий тадқиқотларида асосланган.

МДХ мамлакатларида ижтимоий таҳдид ва ҳимоянинг айрим жиҳатлари М.Александрова, Ф.Гордон, И.Задорин, О.Краснова, Д.Круглов, Я.Маргулян, И.Минко, А.Скворцовларнинг илмий-тадқиқот ишларида ёритиб берилган.

Кексаликнинг умумий жиҳатлари хорижлик олимлар Э.Гидденс, А.Капп, Г.Киссенжер, А.Маслоу, П.Мюльпахр, Э.Фромм, Э.Эриксонларнинг илмий-тадқиқот ишларида тадқиқ этилган. Юқорида келтирилган илмий изланишларда геронтопедагогиканинг муайян тармоқлари кўрсатилган бўлса-да, оила муҳитини барқарорлаштиришда ушбу муаммо доирасида махсус тадқиқот ишлари олиб борилмаган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат педагогика университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг ОТ-Ф1-36 – “Талабалар маънавиятини диагностика қилиш механизмларини такомиллаштириш” (2017-2020 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ижтимоий таҳдидларга мойил оилалар маънавий-ахлоқий муҳитини барқарорлаштиришда геронтопедагогиканинг миллий тарбиявий хусусиятларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ижтимоий таҳдидларга мойил оилалар муҳитининг профилактикасида кекса авлод тажрибасидан фойдаланишнинг хусусий ва ташкилий-методик,

мотивацион-қадриятли, ҳиссий-иродавий компонентларини тадқиқ этиш;

ижтимоий таҳдидларга мойил оилалар маънавий-ахлоқий муҳити индикаторларини аниқлаштириш, геронтопедагогиканинг таҳдидларга мойил оилалар муҳитини соғломлаштиришга қодир бўлган ижтимоий таъсирини диагностика қилиш;

геронтопедагогик тарбия парадигмаси асосида ижтимоий таҳдидларга мойил оилаларнинг маънавий-ахлоқий муҳитини барқарорлаштириш моделини такомиллаштириш;

ижтимоий таҳдидларга мойил оилалар маънавий-ахлоқий муҳитини соғломлаштиришда геронтопедагогика, миллий қадрият ва маданиятни ривожлантириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ижтимоий таҳдидларга мойил оилаларда маънавий-ахлоқий муҳитни барқарорлаштиришга оид геронтопедагогик жараён танланиб, педагогик тажриба-синов ишларига Андижон вилоятининг Шаҳрихон тумани, Фарғона вилоятининг Марғилон шаҳри, Наманган вилоятининг Чуст шаҳри, Хоразм вилоятининг Хива шаҳри, Самарқанд вилоятининг Каттақўрғон тумани, Тошкент вилоятининг Оҳангарон тумани маҳаллаларида истиқомат қиладиган жами 705 та оила жалб қилинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида геронтопедагогиканинг ижтимоий таҳдидларга мойил оилалар маънавий-ахлоқий муҳитини барқарорлаштиришнинг восита, шакл ва методлари белгиланди.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида фалсафий, социологик, психологик, педагогик, илмий-методик адабиётларни қиёсий ўрганиш, таҳлил қилиш; педагогик кузатув; социометрик методлар (анкета, суҳбат, интервью); тажриба-синов; мониторинг; баҳолаш; математик-статистик таҳлил; натижаларни умумлаштириш усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

кекса авлод тажрибасидан фойдаланишнинг хусусий ва ташкилий-методик, мотивацион-қадриятли, ҳиссий-иродавий компонентлари барқарорлик, тизимлилик, ишончлилик, толерантлик, ўзаро ҳурматни таъминлаш (суҳбат, маъруза, видеофильм, коуч-тренинг) асосида аниқланган;

оилалар муҳитини барқарорлаштиришда авлодлараро ҳамкорлик, маънавий-ахлоқий хусусиятлар трансформацияси, геронтопедагогик имкониятлар (маърифат ва ибрат, тажриба ва муносабат, маънавий-ахлоқий муҳит) ўзаро ҳамкорлик стратегияси ва миллий тажрибаларни замонавий талабларга идентив мослаштириш (анъанавий ва замонавий қадриятлар интеграциялашуви) асосида такомиллаштирилган;

геронтопедагогика таълими воситасида ижтимоий таҳдидларга мойил оилаларда маънавий-ахлоқий муҳитни барқарорлаштириш омиллари бувижонлар (нуроний, кайвони, ёшулли) мактаби тажрибаси, ибрат-намуна, фикрга ишонтириш технологияси, витаген таълим (хаётий тажриба, интеллектуал салоҳиятни долзарблаштириш) тамойилларига устуворлик бериш асосида такомиллаштирилган;

геронтопедагогик фаолиятни идеалли-образли моделлаштириш,

тизимлилик, миллий тарбиявий жиҳатларини (инновацион, миллий ва замонавий ижодий методлар) ривожлантириш бўйича педагоглар, жамоат ташкилотлари ва ота-оналар учун ижтимоий таҳдидларга мойил оилалар маънавий-ахлоқий муҳитини барқарорлаштиришга (аксиологик, ҳаётий, акмеологик, статус) доир таклиф ҳамда тавсиялар (“Кексалар маслаҳати” гуруҳлари учун) ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

оилалар маънавий-ахлоқий муҳитини барқарорлаштириш жараёни кекса авлод тажрибасидан фойдаланиш компонентлари асосида такомиллаштирилган;

ижтимоий таҳдидларга мойил оилалар муҳитини соғломлаштириш катта авлод ибрати асосида такомиллаштирилган;

кекса авлод вакилларининг давлат ва жамият ҳаётидаги ижтимоий фаоллигини оширишга доир илмий тавсиялар ишлаб чиқилган ҳамда амалиётга жорий қилинган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган ёндашувлар ва усуллар, уларнинг доирасида фойдаланилган назарий ёндашувларнинг расмий манбалардан олингани, эмпирик ўрганишлар асосида келтирилган таҳлиллар ва педагогик тажриба-синов ишлари самарадорлигининг математик-статистика методлари воситасида асослангани, хулоса ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ижтимоий таҳдидларга мойил оилаларнинг маънавий-ахлоқий муҳити, авлодлараро муносабатларга геронтопедагогик ёндашув, оилаларни ижтимоий-маънавий соғломлаштиришда геронтопедагогиканинг ўрни ўрганилгани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти педагогика фанлари бўйича дарслик, ўқув қўлланма, ўқув дастурларини ишлаб чиқишда геронтопедагогиканинг миллий тарбия усуллари, оилалар маънавий-ахлоқий муҳитини барқарорлаштиришда геронтопедагогика омилларидан фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ижтимоий таҳдидларга мойил оилаларда маънавий-ахлоқий муҳитни барқарорлаштиришнинг геронтопедагогик асослари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

барқарорлик, тизимлилик, ишончлилик, толерантлик, ўзаро ҳурматни таъминлаш асосида аниқланган кекса авлод тажрибасидан фойдаланишнинг хусусий ва ташкилий-методик, мотивацион-қадриятли, ҳиссий-иродавий компонентларидан 2017–2018 йилларда амалга оширилган И-2016-1-33 рақамли “Миллий тарбия ва ёшлар дунёқарашини шакллантириш” номли амалий лойиҳаси мазмунига сингдирилган (Республика маънавият ва маърифат марказининг 2019 йил 3 мартдаги 02/09-304-19-сон маълумотномаси). Натижада оилалар маънавий-ахлоқий муҳитини барқарорлаштиришда геронтопедагогиканинг миллий тарбия усуллари билан самарали фойдаланиш

имкониятлари оширилган;

оилалар муҳитини барқарорлаштиришда авлодлараро ҳамкорлик, маънавий-ахлоқий хусусиятлар трансформацияси, геронтопедагогик имкониятларнинг ўзаро ҳамкорлик стратегияси ва миллий тажрибаларнинг ижобий жиҳатлари бўйича таклифларидан 2012–2014 йилларда бажарилган “Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими бўйича кадрлар тайёрлашнинг такомиллаштирилган мазмунини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш” мавзусидаги лойиҳа материалларида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 2 ноябрдаги 89-03-4243-сон маълумотномаси). Натижада оилалар муҳитини барқарорлаштиришда авлодлараро ҳамкорлик, маънавий-ахлоқий хусусиятлар трансформацияси, геронтопедагогик имкониятлар оммалаштирилган;

ибрат-намуна, фикрга ишontiриш технологияси асосида такомиллаштирилган геронтопедагогика таълими воситасида ижтимоий таҳдидларга мойил оилаларда маънавий-ахлоқий муҳитни барқарорлаштириш омиллари бувижонлар мактаби тажрибасидан 2012–2014 йилларда бажарилган “Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими бўйича кадрлар тайёрлашнинг такомиллаштирилган мазмунини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш” мавзусидаги лойиҳа материалларида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 2 ноябрдаги 89-03-4243-сон маълумотномаси). Натижада кекса авлод намуна ва ибрати орқали талаба-ёшларда юксак маънавий-ахлоқий фазилатларни шакллантиришга эришилган;

геронтопедагогик фаолиятни идеалли-образли моделлаштириш, тизимлилик, миллий тарбиявий жиҳатларини ривожлантириш бўйича педагоглар, жамоат ташкилотлари ва ота-оналар учун ижтимоий таҳдидларга мойил оилалар маънавий-ахлоқий муҳитини барқарорлаштиришга доир таклиф ҳамда тавсиялардан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгашининг “Кексалар маслаҳати” гуруҳлари намунавий низоми мазмунига сингдирилган (Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгашининг 2019 йил 17 октябрдаги 02-04/699-сон маълумотномаси). Натижада кекса авлод вакиллариининг ҳаётий тажрибасини амалиётда қўллашда жамият ҳаётидаги ўрни ва мавқеини оширишга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 9 та республика ва 3 та халқаро илмий-амалий анжуманда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 25 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп қилиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, шундан 8 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, уч боб, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 140 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти, предмети ва усуллари таснифланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари ва унинг ишончлилиги баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши ва апробацияси, нашр эттирилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Ижтимоий таҳдидларга мойил оилалар маънавий-ахлоқий муҳитини барқарорлаштиришда геронтопедагогиканинг назарий масалалари”** деб номланиб, унда ижтимоий таҳдидларга мойил оилаларни барқарорлаштиришда геронтопедагогика таълими муҳим педагогик муаммо сифатида асосланган ҳамда оилалар маънавий-ахлоқий муҳитини барқарорлаштиришнинг амалиётдаги ҳолати, шунингдек, хорижий тажрибалар таҳлил қилинган.


Диссертацияда оила муҳитида мавжуд бўлган ижтимоий таҳдидларнинг пайдо бўлиш сабаблари, таҳдидлар тўғрисидаги турли қарашлар, оилалардаги оғишликлар, оила инқироzi, оталар ва болалар муаммоси, авлодлар ўртасидаги мурасасизликнинг олдини олишда геронтопедагогик тарбия усуллари самарали фойдаланиш, турли ижтимоий таҳдидлар ва хавфларнинг намоён бўлишига оид социологик, фалсафий, психологик, педагогик ғоялар назарий-амалий жиҳатдан таҳлил этилган.

“Таҳдид” педагогик жиҳатдан кам ўрганилган тушунчалардан бири ҳисобланади. У аксарият илмий тадқиқот ишларда “хавфсизлик” тушунчасига уйғун ҳолда ўрганилган. Тадқиқотчилар, дунёнинг ривожланган мамлакатларида, ижтимоий таҳдидлар – ижтимоий хавфсизликка раҳна солувчи асосий омил эканини қайд этади.

Диссертацияда, ижтимоий таҳдидларга номуносиб турмуш даражаси, даромадлар тафовути, ишсизлик, боқимандалик, ибратсиз тарбия, ёт ғоя орқали аҳолининг турли қатламлари, авлодлар ўртасида қарама-қаршиликларни келтириб чиқарувчи, оила муҳитини беқарорлаштирувчи, оила орқали бутун жамият манфаатига зарар етказиши мумкин бўлган амалдаги хавф-хатар шакли сифатида таърифланган.

Тадқиқот ишида оиладаги оғишлар, хавф-хатар, тажовуз, таҳдидларнинг намоён бўлиши қуйидагича тасниф қилинди.

Оиладаги таҳдидларнинг кучайиб бориши тўғридан-тўғри хавф-хатарнинг юзага келишига олиб келади. Таҳдидлар хавф-хатарга, конкрет хавфга айланиб, оила муҳитидан жамият муҳитига салбий таъсир кўрсатувчи ўзига хос занжирни ҳосил қилади (1-расмга қаранг).



1-расм. Таҳдидлар ҳолатлари занжири

Тадқиқот ишида оилаларда ижтимоий таҳдидларнинг пайдо бўлишига қуйидаги омиллар сабаб бўлиши тасниф қилинди:

аҳоли турмуш даражасининг пастлиги, аҳоли сонининг тез суръатларда ортиб бориши натижасида кекса ва ёш авлодга нисбатан ижтимоий сиёсатнинг замон талабларига мос келмай қолиши; даромадлар ўртасида асосиз тафовутларнинг юзага келиши ва тафовутнинг кескин ортиб бориши, қонун устуворлиги ва адолат тамойилларининг бузилиши; бандлик масаласини ҳал этилмаслиги натижасида ишсизлар сонининг кўпайиши, кекса ва ёш авлодга оид давлат сиёсатини амалга оширишдаги сусткашликлар; маърифий-тарбиявий ишлар самарадорлигининг камлиги, таълим тизими, инфратузилманинг замон талабларига мос келмай қолиши; фуқароларнинг, айниқса, хотин-қизларнинг ижтимоий фаол эмаслиги ва бошқалар.

Тадқиқотда таҳдид юзага келмаслиги учун, энг аввало, ижтимоий хавфларнинг ижтимоий таҳдид даражасига етиб келишининг олдини олиш учун оилада таълим-тарбия жиловининг катта авлод (бизнингча, энг асосий омиллардан бири миллий геронтопедагогика тажрибаси) томонидан қўлга олиниши лозимлиги белгиланган.

Диссертацияда геронтопедагогика фанининг ижтимоий моҳияти, унинг назарияси ва амалиёти, кексаларни ижтимоий фаоллаштиришга бағишланган изланишлар, жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва университетларида мазкур соҳадаги хорижий тажрибалар таҳлил этилган. Геронтопедагогика фани геронтологиянинг ажралмас қисми сифатида XX аср охирида вужудга келган. Ғарб мамлакатларида геронтопедагогикага оид тадқиқотларда катта авлод муаммоларининг педагогик жиҳатлари махсус тадқиқ этилмоқда. Тадқиқот ишларида кекса авлод педагогикаси, уларнинг нафақа ёшидан кейинги даврдаги таълими ҳамда ижтимоий ҳаётга жалб этиш, соғлиқ ва умрини узайтириш (геронтология¹) муаммолари, руҳий ҳолатлари (геронтопсихология²) бўйича тадқиқот ишлари олиб борилган.

Олимларнинг таъкидлашича, андрагогика, геронтопедагогика³ каби фанлар

¹ Содикова Ш.М. Жамиятни модернизациялаш жараёнида кексаларни ижтимоий ҳимоялаш. Социология фанлари докторлик дисс. автореф. - Т.: ЎзМУ, 2015.

² Анциферова Л.И. Развитие личности и проблемы геронтопсихологии. - М.: Институт психологии Российской академии наук, 2004. - 102 с.

³ Horehled P./Gerontopedagogika.pdf [https://is.muni.cz/el/1411/podzim 2015/MNZA071c um/60359139/](https://is.muni.cz/el/1411/podzim%2015/MNZA071c_um/60359139/).

ҳали-ҳануз ижтимоий фанлар тизимида ўз ўрнини тўлақонли топмаган субтаълим йўналишлардир.

Тадқиқот ишида ижтимоий таҳдидларга мойил оилалар муҳитини барқарорлаштиришнинг муҳим омилларидан бири – миллий геронтопедагогика таълими тарбиявий фаолиятнинг яхлит жараёни сифатида талқин этилган. Геронтопедагогика деганда, нафақат кексалар таълими, уларни ижтимоий ҳаётга жалб этиш, балки кекса авлод илмий тафаккури, билими ва тажрибасидан халқ педагогикасида самарали фойдаланиш, оилаларда катта авлод ҳаёт йўллари ва тарбия усулларидан фойдаланиш ва амалда қўллаш англанади. Кекса авлод ўғитлари, турмуш машаққатларига сабр-қаноати, меҳнатга, китобга, зиёга муносабати, уларнинг илму маърифати, улардаги тежамкорлик ва шукроналик туйғуси, садоқат ва матонати, тажриба ва тадбиркорлигидан оқилона фойдаланишни назарда тутди.

Диссертацияда ижтимоий таҳдидларга мойил оилалар маънавий муҳитини барқарорлаштириш, оилада авлодлараро муаммоларни геронтопедагогик ўрганишнинг куйидаги жиҳатлари белгиланди:

1. Тарихий ёндашиш: авлодларнинг ижтимоий қарашлари, хулқлари, қизиқишлари ва бошқа жиҳатларини тадқиқ этишда муайян тарихий давр, шарт-шароитларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб баҳо бериш.
2. Катта авлод ва ёшларнинг ўзига хос турмуш тарзини таҳлил қилиш ва ўрганиш. Бунда оиланинг ижтимоий ҳолати, муҳити, ҳаёт кечириш тарзи ва унинг ривожланишини назарий ва эмпирик жиҳатдан ўрганиш.
3. Ёш авлоднинг ҳар томонлама ривожланиб боришида катта авлоднинг ўрни ва ролини таҳлил қилиш.
4. Мавжуд ижтимоий-иқтисодий шарт-шароит, муҳитнинг ўзгариши оқибатида авлодлар ўртасида фарқнинг катталашиб бориши натижасида авлодлараро юзага келадиган зиддиятларни бартараф этишда геронтопедагогик тажриба.
5. Катта авлод фаолиятига табақавий (вертикал педагогик) ёндашиш. Бу ёндашиш уларни турли табақалардан иборат гуруҳларга ажратиб ўрганишда қўл келди.


Тадқиқот ишида геронтопедагогиканинг тарбиявий ресурсларини ривожлантириш орқали, кексаларнинг ўз ҳаётий тажрибасини амалиётга тадбиқ этиши, жамият ҳаётидаги ўрни ва мавқеини ошириш масалаларига эътибор қаратилди. Бу борада кексалар билан ёшлар, ота-оналар билан фарзандлар, авлодлар ўртасидаги муносабатларни миллий кадриятларимиз руҳида ривожлантиришда ўзаро меҳр-оқибат, юксак даражадаги маданият, инсонийлик тамойилларининг аҳамияти илмий асосланди.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Ижтимоий таҳдидларга мойил оилалар маънавий-ахлоқий муҳитини барқарорлаштиришда геронтопедагогиканинг ўрни ва аҳамияти”** деб номланиб, унда ижтимоий таҳдидларга мойил бўлган оилаларда геронтопедагогика намунаси, илмий тафаккури, билими ва тажрибасидан, халқ педагогикасидан самарали фойдаланиш йўллари, унинг мезонлари, технологиялари, педагогик имкониятлари таҳлил қилинди.

Маълумки, оила хулқ-одоб кадриятларини шакллантиришдаги асосий

мезон бўлиб, оила, мактаб, маҳалла ва жамоатчилик ташкилотлари фаолиятларининг узвийликда олиб борилиши мақсадга мувофиқ.

Тадқиқот ишида оилаларда ижтимоий таҳдидларга қарши курашишда кекса авлод тажрибасидан фойдаланишнинг ташкилий-методик, мотивацион-қадриятли, эмоционал компонентлари, “Маҳалла – таълим муассасаси – оила – давлат ташкилотлари” ҳамкорлигига устуворлик бериш асосида такомиллаштириш йўллари ишлаб чиқилди (2-расмга қаранг).



2-расм. “Маҳалла – таълим муассасаси – оила – давлат ташкилотлари” ҳамкорлигини белгиловчи вазифалар

Оилаларда ижтимоий таҳдидларга мойилликни аниқлаштириш методлари, жамият муҳитида мавжуд муаммолар ва уларнинг таъсир доираларининг (ички, ташқи) ташкилий-методик жиҳатлари таҳлил этилган. Ижтимоий таҳдидларни профилактика қилиш жараёнида оила муҳитини соғломлаштириш мурватларидан бири сифатида кекса авлоднинг тарбия ресурсларидан самарали фойдаланиш, уларнинг тарбия борасидаги тажрибасини маҳалла, таълим тизими, давлат ташкилотлари (“Нуроний”, “Бувижонлар мактаби”, ота-оналар университети) ҳамкорлигида оила муҳитига татбиқ этиш йўллари ишлаб чиқилган.

Оила муҳитидаги тарбиявий ишларнинг технологик тизимини ҳамкорликда сингдиришда кекса авлод ижтимоий фаоллигини ошириш мотивлари (кераклилик, ишончлилик, дахлдорлик, эҳтиёж ва меҳрнинг юқорилиги) билан бирга жамиятда кекса авлодга аксиологик ёндашувнинг


ҳиссий-иродавий компонентлари, ҳаётий тажриба (витаген таълим), интеллектуал-педагогик салоҳиятини долзарблаштириш асосида тадқиқ этилган (3-расмга қаранг).



3-расм. Оила муҳитидаги тарбиявий ишларнинг технологик тизими

Диссертация ишида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида оилалар маънавий-ахлоқий муҳитини барқарорлаштиришда кекса авлод вакилларининг ўрни масалалари бўйича тегишли саволномалар ишлаб чиқилиб, саволнома асосида тажриба-синов ишлари, давра суҳбатлари ва ўқув семинарлари ташкил этилган. Маҳалла кесимида олиб борилган ишлар ижтимоий таҳдидларга мойил оилаларнинг вужудга келишида носоғлом турмуш тарзи юритилиши, оила аъзолари ўртасида самимий муносабатларнинг мавжуд эмаслиги, ўзаро ҳамкорликдаги узилишлар (иктисодий, фикрий, ахлоқий, эътиқодий), катта авлоднинг шахсий ибрати ва намунаси (меҳнаткашлик, китобхонлик, илмлилик, режалилик, касб-корлилик) даражасининг пастлиги кузатилган.

Ижтимоий таҳдидларга мойил оилалар маънавий-ахлоқий муҳитини барқарорлаштиришда геронтопедагогика таълими бўйича оилалар билан олиб бориладиган педагогик жараённинг модели ишлаб чиқилган (4-расмга қаранг).



4-расм. Ижтимоий таҳдидларга мойил оилаларда маънавий-ахлоқий муҳитни барқарорлаштиришнинг геронтопедагогик модели

Тадқиқотда кекса авлоднинг ижтимоий қизиқишлари билан боғлиқ бўлган ҳис-туйғулари такомиллаштирилиб, жамиятда кексаларнинг ўрнини мустаҳкамлаш, уларнинг тажрибасидан мақсадли фойдаланиш ҳамда ижтимоий таҳдидларга мойил оилаларда маънавий-ахлоқий муҳитни барқарорлаштиришда геронтопедагогик тарбия воситасидан самарали фойдаланиш йўллари тадқиқ этилган.

Тадқиқотнинг **“Педагогик тажриба-синовни ташкил этиш ва ўтказиш”** деб номланган учинчи бобида тажриба-синов ишларининг мақсад-вазифалари ва ўтказиш тартиби, тажриба-синов натижаларининг математик-статистик таҳлили ёритилган ва унинг самарадорлик даражаси асослаб берилган.

Педагогик тажриба-синов Андижон вилоятининг Шаҳрихон тумани, Фарғона вилоятининг Марғилон шаҳри, Наманган вилоятининг Чуст шаҳри, Хоразм вилоятининг Хива шаҳри, Самарқанд вилоятининг Каттақўрғон тумани, Тошкент вилоятининг Оҳангарон тумани маҳаллаларида истиқомат қиладиган жами 705 та оилада ўтказилган.

Тажриба-синовда “Нуроний”, “Оқсоқоллар кенгаши”, фуқаролар йиғини раисининг кексалар ва фахрийлар ишлари бўйича маслаҳатчи ўринбосарлари вакиллари ҳамкорлигида маҳаллаларда истиқомат қилувчи оиланинг мавжуд маънавий-ахлоқий муҳитини дастлабки ўрганишда мавжуд расмий ҳужжатларни қиёсий таҳлил қилиш, анкета, кузатиш ва суҳбат (интервью) методларидан фойдаланилиб, оилалар барқарор ва таҳдидларга мойиллигининг даражасига кўра ажратилган (1-жадвалга қarang).

1-жадвал

Т/р	Вилоятлар	Синов гуруҳида иштирок этган оилалар сони	Барқарор оилалар	Таҳдидларга мойил оилалар
1.	Андижон вилояти	129	76	53
2.	Фарғона вилояти	121	72	49
3.	Наманган вилояти	114	56	58
4.	Хоразм вилояти	109	52	57
5.	Самарқанд вилояти	113	61	52
6.	Тошкент вилояти	119	68	51
	Жами:	705	385	320

Анкета сўровига кўра, 385 та оила барқарор оила, ижтимоий таҳдидларга мойил 320 та оила таҳдид турига биноан аниқланди. Синов гуруҳида иштирок этган 385 барқарор оила тажрибаси ўрганилганда соғлом муҳитда яшаётгани аниқланди. Бу оилалардаги кекса авлод вакиллари ўз ҳаётий тажрибаларини амалий асосда татбиқ этишган. Лозим бўлганда шахсий намуна кўрсатиш ва биргаликда фаолият юритишдан ижобий натижага эришган.

Ижтимоий таҳдидларга мойиллиги бор 320 та оила муҳитида кекса авлод томонидан оилани режалаштириш иқтисодий таъминот масалаларига

беътиборлик, уларнинг фарзандлар тарбиясига нисбатан бепарво, беписанд, лоқайд муносабатлар устувор эканлиги аниқланган. Бундай оилада тарбияланаётган фарзандлардаги мафкуравий бўшлиқ, ижтимоий тахдидларга мойилликнинг юзага келиши сабабларини акс эттирган жавобларда респондентлар фикри таҳлил этилган ва ижтимоий тахдидлар таъсир даражасига кўра классификация қилинганда қуйидаги мойиллик даражалари аниқланган: (2-жадвалга қаранг).

2-жадвал


Т/р	Ижтимоий тахдид турларига кўра таҳлил	Андижон вилояти	Фарғона вилояти	Наманган вилояти	Хоразм вилояти	Самарқанд вилояти	Тошкент вилояти
1.	Носоғлом турмуш тарзи (ичувчи, чекувчи, гиёҳванд, жанжалкаш)	8	11	9	14	9	10
2.	Назоратдан четда қолган оила (ота-онаси бепарво, беписанд, лоқайд)	6	9	6	11	10	9
3.	Даромади паст ишсиз оила (касб-корсиз, дангаса ва лоқайдлик)	11	7	14	8	8	8
4.	Турмуш даражаси паст бўлган оила (кундалик эҳтиёжлар, овқатланиш, яшаш шароити оғир оила)	14	11	12	9	7	7
5.	Информацион хуружларга мойил оила (виртуал олам, интернет, компьютер, уяли алоқа)	8	6	5	8	12	10
6.	Экстремистик оқимларга, мутаасибликка мойил ижтимоий кўмакка муҳтож оила	6	5	11	7	6	7
Жами:		53	49	58	57	52	51

Маҳаллаларда 60 ёшдан юқори, нафақага чиққан ва амалда касбий фаолиятини ўз соҳаси ёки бошқа бир соҳада давом эттираётган кекса авлод вакиллари бугунги кунда ёшлар тарбиясига нечоғлик ўзларини масъул деб билишларини ўрганиш мақсадида “Геронтопедагогика – намуна ва ибрат мактаби” мавзусида катта авлод ўртасида саволнома ўтказилди. Сўровномага кекса авлод вакилларида иборат 600 нафар кўнгилли иштирокчи жалб этилиб, дастлабки анкета-сўровда иштирок этган 600 нафар иштирокчидан 300 нафари назорат, 300 нафари тажриба гуруҳига ажратилиб, кичик гуруҳларда фаолият олиб борилди. Кекса авлод вакилларида фарзандлар тарбиясида масъулиятлилик ҳиссини ошириш мақсадида ўқув-семинарлар, коуч-тренинглар, оммавий мунозаралар, муаммоли тавсифдаги суҳбатлар, дебатлар, тарғибот-ташвиқот ишлари ташкил этилди. Кузатиш натижасига кўра кекса авлод вакилларида ўзларига нисбатан ишонч, фахр туйғусини туйиш ҳисси сезилиб, ижтимоий ҳаётга қайтиш, кераклилик ҳисси уйғонганлигини кўриш мумкин. Мазкур сўровнома натижалари диссертация ишининг асосий матнида батафсил баён этилган.

Тажриба-синов натижасида ижтимоий тахдидларга мойиллиги аниқланган 320 оилага кекса авлод вакиллари бириктирилиб, геронтопедагогиканинг

таълим-тарбия борасидаги сермазмун, сермахсул, серқирра тажрибаларидан оқилона фойдаланиб, 253 оилада ижтимоий таҳдидларга қарши туриш, курашиш ҳамда ижтимоий хавфларга нисбатан иммунитет ҳосил бўлганлиги аниқланди.

Диссертация ишида қайд қилинган тажриба-синов натижаси ижтимоий таҳдидларга мойил оилаларда маънавий-ахлоқий муҳитни барқарорлаштиришда геронтопедагогика таълимнинг ҳаққонийлигини акс эттиради. Олинган натижаларни тажриба бошидаги дастлабки натижалар билан таққосласак, қуйидагича кўриниш олади (4-расмга қаранг)



5-расм. Тажрибадан олдин ва кейин оила маънавий-ахлоқий муҳитини ўрганиш натижалари

Шундай қилиб, тадқиқот иши натижасида геронтопедагогика таълими орқали ижтимоий таҳдидларга мойил оилалар маънавий-ахлоқий муҳити барқарорлашганлиги ўз тасдиғини топган. Оилаларда таҳдидларга қарши иммунитет ҳосил бўлгани тадқиқот методикасининг тўғри танланганлигидан далолат беради. Олиб борилган тадқиқот ишлари юқоридаги жадваллар ва диаграмма кўрсаткичлари асосида оилаларда ижтимоий таҳдидларга мойиллик ўртача ҳисобда 4,8% га камайгани математик-статистик методлар асосида исботланган.

ХУЛОСАЛАР

“Ижтимоий таҳдидларга мойил оилаларда маънавий-ахлоқий муҳитни барқарорлаштиришнинг геронтопедагогик асослари” мавзусидаги педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Ижтимоий таҳдидлар, асосий тушунчалар, структуралари, функция ва вазифалари, уларни ҳал этиш йўллари ёритиш орқали ижтимоий таҳдидларга мойил оилалар муҳитини барқарорлаштириш, таҳдидлар тўғрисидаги турли қарашларни таҳлил қилиш ва уларнинг мазмун-моҳиятини ёшлар онги ва ёши

нуқтаи назаридан очиб бериш, ижтимоий хавфсизликни таъминлашда катта авлод илмий, назарий, амалий тажрибаларининг ривожланиш тенденцияларини тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этади.

2. Ижтимоий таҳдидларнинг замонавий кўринишлари қуйидагича тасниф қилинди: демографик муаммолар; аҳоли турмуш даражасининг пастлиги, бандлик муаммоси, ишсизлар сонининг кўпайиши, кекса ва ёш авлодга оид давлат сиёсатини амалга оширишдаги сусткашликлар; даромадлар ўртасида асоссиз тафовутлар; қонун устуворлиги ва адолат тамойилларининг бузилиши; яроксиз инфратузилма; маърифий-тарбиявий ишлардаги узилишлар, фуқароларнинг, айниқса, хотин-қизларнинг ижтимоий фаолсизлиги.

3. Олиб борилган тадқиқот ишлари натижасида илк бор ижтимоий таҳдидларга мойиллиги бўлган оилаларда ёшлар тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи ижтимоий таҳдид ва хавфларнинг олдини олишда кекса авлод тажрибаси ва ибрати орқали халқ педагогикасидан самарали фойдаланиш ва бу орқали уларни ижтимоий ҳаётга қайтаришнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш имконини берди. Бу соҳадаги тадқиқот ишлари истиқболда кексаларнинг ижтимоий фаоллигини янада мустаҳкамлашга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқишда муҳим аҳамият касб этади.

4. Мазкур тадқиқот, бир томондан, таҳдидларга мойилликнинг олдини олишда геронтопедагогика ибратидан фойдаланиб, оилаларда барқарорликни таъминлашни; иккинчи томондан, кекса авлод вакилларининг жамиятда ижтимоий фаоллигини ошириш имконини берди. Геронтопедагогика нафақат кексалар таълими, уларни ижтимоий ҳаётга жалб этиш, балки кекса авлод илмий тафаккури, билими ва тажрибасидан, катта авлод ҳаёт йўллари ва тарбия усулларида самарали фойдаланишни англатади. Демак, геронтопедагогика масалаларини илмий ёндашувлар асосида таҳлил қилиш, ворислик, кексаларни қадрлаш, авлодлараро, оила муносабатларини ўзаро боғловчи ижтимоий ҳодиса сифатида тавсифлашда қўл келади.

5. Кексалик мақомининг ижтимоий-маънавий тадрижи илмий ёндашувлар асосида ўрганилди. Жамиятни модернизациялаш жараёнида кексаларни ижтимоий-маънавий ҳимоялашнинг ўзига хос хусусиятларига эътибор қаратилди, кексаларнинг жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги иштироки, уларни қадрлаш мезонлари, ижтимоий фаоллиги ва унинг намоён бўлиш хусусиятлари аниқланди.

6. Оилаларда таҳдидларнинг олдини олишда “геронтопедагогика” соҳаси ижтимоий тафаккурнинг муҳим йўналиши эканлиги, ёшлар тарбиясида кекса авлод таъсирини янада ошириш йўллари аниқланди. Тадқиқотлар натижасида ҳудуднинг ижтимоий, маданий, иқтисодий, психологик ва педагогик шарт-шароитларини белгилашда моногенлик, гетрогенлик ва ретроспективлик хусусиятларидан фойдаланилган ҳолда ёндашилди.

7. “Оталар ва болалар муаммоси”, “Авлодлар ўртасидаги мурасасизлик”, “Авлодлар ихтилофи”, оилада катталар ва кичикларнинг мурасасизлиги, ёш ўртасидаги фарқ туфайли дунёқарашнинг мос келмаслиги, ижтимоий муаммоларнинг жамият ҳаётига деструктив таъсирининг ортиши натижасида

авлодлараро юзага келадиган зиддиятларни бартараф этишда геронтопедагогик тажриба усулларидан фойдаланиш, кексаларнинг ўз ҳаётий тажрибасини амалиётда қўллашига, оила, маҳалла, жамият ҳаётидаги ўрни ва мавқеини оширишга эътибор қаратилди. Бунда кексалар билан ёшлар ўртасидаги муносабатларни миллий қадриятларимиз руҳида ривожлантиришда ўзаро меҳроқибат, юксак даражадаги маданият, инсонийлик тамойиллари муҳим аҳамият касб этиши илмий асосланди.

8. Ижтимоий хавфларнинг ижтимоий таҳдид даражасига етиб келишининг олдини олишда оилаларда таълим-тарбия жоловининг кекса авлод томонидан қўлга олиниши, оила муҳитига дахл қилувчи хавфларни, уларни юзага келтирадиган объектив ва субъектив сабабларни ўз вақтида англаб етиш, уларга қарши педагогик-профилактик тизимнинг геронтопедагогик асосларини кучайтириш, ижтимоий таҳдидларга мойил оилалар муҳитини барқарорлаштиришнинг муҳим омилларидан бири – миллий тарбия, миллий геронтопедагогика усулларидан самарали фойдаланишга эътибор қаратилди.

ТАКЛИФ ВА ТАВСИЯЛАР

1. Худудлар кесимида яшаб ижод қилаётган кекса авлод имконияти ва тажрибасини оммалаштириш бўйича бобо-буви мактабларининг “Оилада хўжалик юритиш”, “Оила бошқаруви”, “Оила барқарорлиги” сайёр визуал рукнларини ташкил этиш.

2. Маҳалла шароитида кекса авлод эҳтиёжлари ва қизиқишлари ўрганилиб, уларни ижтимоий фаоллаштириш, бозор иқтисодиёти шарт-шароитларини ҳисобга олган ҳолда ота-онага кўмакдош “Оилага ёрдамчи” волонтерлар, “Эртак ўқиб бераман”, “Ўзим тика оламан”, “Боғ яратиш мактаби” каби ижтимоий лойиҳаларни йўлга қўйиш.

3. Нафақат насихат, маслаҳат йўли билан тарбиялаш, балки ибрат кўрсатиш, ҳамкорлик ва ҳамфикрликни йўлга қўйиш бўйича авлодлараро “Оғзаки тарих” коуч-тренинглари ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

4. Юртимизда ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маданий ва бошқа қатор соҳаларда олиб борилаётган ислохотларда тажриба-синов жараёнида кузатганимиз назорат гуруҳи ташаббусларида нуронийлар камарбаста бўлиб турибди. Уларнинг бу соҳадаги тажрибасини илмий тадқиқ қилган ҳолда геронтопедагогика соҳасини ривожлантириш ҳамда “Геронтопедагогика” мактабларини очишни таклиф этамиз.

5. Ибрат мактаби яратган кекса авлод вакилларининг турмуш тарзи ва ҳаёт фаолияти бўйича ижтимоий роликлар тайёрлаш орқали уларнинг ҳаёти ва фаолиятини жойларда кенг тарғиб қилиш, ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда “Ота-оналар университети”нинг қошида “Бобо-буви ибрати ва улар тажрибасининг аҳамияти” мавзуларида методик тавсиялар нашр қилиниб, барча фуқаролар йиғинларига етказишни тавсия қиламиз.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.28.03.2019.Ped.82.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ОБЛАСТНОМ
ЧИРЧИКСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ ПЕДАГОГИЧЕСКОМ
ИНСТИТУТЕ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ
УНИВЕРСИТЕТ**

ТУРГУНОВА АЗИЗА ТАШПУЛАТОВНА

**ГЕРОНТОПЕДАГОГИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ СТАБИЛИЗАЦИИ
ДУХОВНО-НРАВСТВЕННОЙ СРЕДЫ В СЕМЬЯХ СКЛОННЫХ К
СОЦИАЛЬНЫМ УГРОЗАМ**

13.00.01 – Теория педагогики. История педагогических учений

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PHD) ПО ПЕДАГОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Чирчик – 2019

Тема диссертации доктора философии (PhD) по педагогическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан под номером B2018.01.PhD/Ped413.

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном педагогическом университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме) размещен на веб-странице Научного совета (chdpi.uz.ilmiy-kengash) и информационном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель: **Каххарова Матлюба Манафовна**
доктор философских наук, доцент

Официальные оппоненты: **Тажиева Зулхумор Назаровна**
доктор педагогических наук, профессор

Эгамбердиева Нодира Мелибаевна
доктор педагогических наук, профессор

Ведущая организация: **Бухарский государственный университет**

Защита диссертации состоится “__” _____ 2019 года в “__” часов на заседании Научного совета PhD.28.03.2019.Ped.28.01 при Ташкентском областном Чирчикском государственном педагогическом институте (адрес: 111720, Ташкентская область, город Чирчик, улица Амира Тимура, дом №104. Тел: (99870) 712-27-55; факс: (99870) 712-45-41; e-mail: chdpi_kengash@umail.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре Ташкентского областного Чирчикского государственного педагогического института (зарегистрирована под номером _____). Адрес: 111720, Ташкентская область, город Чирчик, улица Амира Тимура, дом №104. Тел: (99870) 712-27-55; факс: (99870) 712-45-41.

Автореферат диссертации разослан “__” _____ 2019 года.
(протокол реестра под номером ____ от “__” _____ 2019 года).

Ш.К.Мардонов
председатель Научного совета по присуждению
ученых степеней, д.п.н., профессор.

Ф.Т.Ражабов
секретарь Научного совета по присуждению
ученых степеней, доктор философии по геогр.
наукам (PhD)

Р.А.Эшчанов
председатель научного семинара при Научном
совете по присуждению ученых степеней, д.б.н,
доцент.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире, согласно исследованиям Организации Объединенных Наций, число людей достигших не менее 100 лет, составит к 2050 году 2,2 миллиона человек, в связи с чем в развитых странах с целью устранения социальных проблем усиливается потребность в организации геронтопедагогических школ. Рост численности пожилых людей в составе населения, с одной стороны, требует совершенствования системы социальной защиты, с другой стороны, предполагает проведение научных исследований по внедрению в жизнь технологий эффективного пользования опытом социально активной категории лиц данного слоя населения.

В мировых масштабах обретают особую значимость исследования в области геронтопедагогики (педагогики пожилых) в звеньях государственных и негосударственных организаций, образа жизни и своеобразных особенностей старшего поколения, их социального отчуждения (геронтопсихологические), политики социальной защиты (геронтологические), охраны здоровья, социальной активизации представителей старшего поколения (гериатрические), образования взрослых (андрогогические). С этой точки зрения, проблемы старшего поколения (пожилых) определяются необходимостью охраны их здоровья, продления их жизни, социализации.

В нашей республике созданы необходимые условия для повышения роли представителей старшего поколения в обеспечении мира и спокойствия в обществе, махаллях и семьях, в воспитании молодого поколения, также активного их участия в общественно-политической жизни страны. Эффективное использование опыта старшего поколения в стабилизации духовно-нравственной среды в семьях склонных к социальным угрозам способствует понижению из года в год склонности семей к угрозам. При этом определены приоритетные задачи, как “дальнейшее сокращение количества малообеспеченных семей и уровня дифференциации населения по доходам, организация эффективной деятельности органов государственной власти и управления, образовательных учреждений, молодежных и иных организаций в реализации государственной молодежной политики”¹. В решении данных задач особое значение приобретает социальная активизация старшего поколения наряду с его социальной защитой, эффективным пользованием опытом и воспитательными ресурсами данной категории населения.

Настоящее диссертационное исследование в определенной степени служит реализации задач, намеченных в указах Президента Республики Узбекистан №УП-4906 «О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности Фонда «Нуроний» по социальной поддержке ветеранов Узбекистана» от 28 декабря 2016 года, №УП-4947 “О стратегии действий по дальнейшему развитию

¹ Указ Президента Республики Узбекистан. О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан. №УП-4947. 7 февраля 2017 года. Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2017 г., № 6, ст. 70.

Республики Узбекистан” от 7 февраля 2017 года, №УП-5325 «О мерах по коренному совершенствованию деятельности в сфере поддержки женщин и укрепления института семьи» от 2 февраля 2018 года, а также в других нормативно-правовых актах, касающихся данной сферы деятельности.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий в республике I. «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

Степень изученности проблемы. Социально-философские, экономические, психологические и педагогические проблемы семьи изучены в исследованиях ученых нашей республики, как М.Абдужабборова, К.Абдурасулова, М.Буриева, М.Восикова, М.Иномова, Н.Исмоилова, И.Усмонов, В.Каримова, У.Махкамов, А.Мунавваров, О.Мусурмонова, М.Мухаммад, К.Назаров, О.Отамирзаев, Ф.Отаходжаев, А.Саидов, И.Саифназаров, О.Сафаров, А.Улмасов, М.Курунов, М.Холматова, Х.Шайхова, Э.Шарипов, Г.Шоумаров, Э.Юсупов, Э.Гозиев.

Система социальной защиты пожилых, социально-философский анализ вопросов почитания старших, духовного наследия и смысла жизни человека обоснованы в научных работах М.Бекмуродова, М.Ганиевой, Н.Жураева, С.Калонова, Ш.Содиковой, О.Файзуллаева, М.Қаххоровой и др.

В странах Содружества Независимых Государств некоторые аспекты социальных угроз и защиты освещены в работах таких исследователей, как М.Александрова, Ф.Гордон, И.Задорин, О.Краснова, Д.Круглов, Я.Маргулян, И.Минко, А.Скворцов.

Общие особенности старости исследованы в работах ученых дальнего зарубежья, как Э.Гидденс, А.Капп, Г.Киссенжер, А.Маслоу, П.Мюльпахр, Э.Фромм, Э.Эрикссон.

Несмотря на то, что в перечисленных выше научных исследованиях рассмотрены определенные сферы геронтопедагогики, специальных исследований в области значения данной отрасли в стабилизации семейной среды не проводилось.

Связь темы диссертации с планами научно-исследовательских работ высшего образовательного учреждения, где выполнена диссертация. Диссертационная работа выполнена в рамках прикладного проекта ОТ-Ф1-36 – “Совершенствование механизмов диагностики духовности студентов” (2017-2020 гг.) плана научно-исследовательских работ Ташкентского государственного педагогического университета.

Цель исследования состоит в совершенствовании национальных воспитательных особенностей геронтопедагогики в стабилизации духовно-нравственной среды в семьях склонных к социальным угрозам.

Задачи исследования:

исследовать частные, организационно-методические, мотивационно-ценностные, эмоционально-волевые компоненты пользования опытом пожилого поколения в профилактике среды в семьях склонных к социальным угрозам;

уточнить индикаторы духовно-нравственной среды в семьях склонных к социальным угрозам, диагностировать социальное влияние геронтопедагогики, способной к оздоровлению среды в семьях склонных к социальным угрозам;

совершенствовать модель стабилизации духовно-нравственной среды в семьях склонных к социальным угрозам на основе парадигмы геронтопедагогического воспитания;

развить национальные ценности и культуру геронтопедагогики в оздоровлении духовно-нравственной среды семей склонных к социальным угрозам.

